2012 йил 25 июнь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 124 (12.185)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
21
O'ZBEKISTON

## ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАННИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

***Ватанимиз тарихига мангу муҳрланган воқеалар кўп. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шундай тарихий эврилишлар ичида энг буюк воқеадир. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топганига йигирма бир йил тўлмоқда. Бу йилларда халқимизнинг озод ва обод Ватан, янги давлат ва жамият барпо этиш йўлидаги буюк ишлари мужассам. Мустақиллик йилларида Ватанимиз, халқимиз ҳаётида, барчамизнинг онгу шуур ва тафаккуримизда рўй берган улкан ўзгаришларни кўз олдимизга келтирганимизда, истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг муқаддас заминимизда яшайдиган барча инсонлар ҳаётида тутган ўрнини янада теран англаймиз.***



Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намоёни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда. **Барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз айём – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами яқинлашмоқда. Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги ушбу буюк сана – истиқлол байрамининг 21 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Унда «ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН» деган эзгу ғояни ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш белгиланган.**

Истиқлол шарофати билан ўзлигимизни, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканлигимизни англадик, бунёдкор ва яратувчи халқ сифатида мамлакатимизнинг улкан салоҳиятини ва имкониятларини бутун оламга намоён қила олдик. Мустақиллик берган бекиёс имкониятлар натижасида эркин ва фаровон ҳаётимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар ва ислоҳотларни, миллий қадриятларимизни тиклаш, бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш, давлатимиз ва халқимиз хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, келажагимиз эгалари бўлмиш баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари самараси бугун яққол намоён бўлиб, барчамизга чексиз фахру ифтихор бахш этмоқда.

Бунга аввало, Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг имкониятлари ва салоҳияти, халқимизнинг ўзига хос менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мустақил ривожланиш йўли, машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни изчил ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш самарасида эришилмоқда. Иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика, нефть-кимё, автомобилсозлик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларини, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, капитал қурилиш, замонавий автомобиль ва темир йўллар, коммуникация ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича қабул қилинган дастурлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимизнинг узоқни кўзлаб олиб борган сиёсати туфайли юртимизда автомобилсозлик саноати йўлга қўйилди. Бир пайтлар бир машина олиш учун неча йиллар навбат кутган, кўпинча орзусига етолмай кетган юртдошларимиз бугун автомобилни танлаб олиш имкониятига эга. Энг асосийси, ўзимизнинг машинамиз. Бу автомобиллар бугунги кунда нафақат Ўзбекистон кўчалари, балки ўнлаб хорижий мамлакатлар кўчаларини безаб юрибди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Юртимизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароит яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмаси янгиланди. Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидаги ҳаво дарвозалари – аэропортлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Темир йўл вокзаллари замон руҳига мос равишда янги қиёфа касб этди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини Фарғона водийси билан боғлайдиган Қамчиқ довонида еросги йўлаги қурилди. Навоий — Учқудуқ — Мискин — Султон Увайстоғ-Нукус йўналишидаги темир йўл ҳамда Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприкнинг бунёд этилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун улкан қулайлик яратибгина қолмай, йўловчи ва юк ташиш муддати, харажатини қисқартирди. Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон йўналишидаги темир йўл эса жанубий вилоятларимизнинг иқтисодини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент – Самарқанд – Тошкент йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди қатнови йўлга қўйилди.

Мустақил бўлмаганимизда, бундай улуғвор ишларни амалга ошира олармидик?!

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бундай улкан ҳажмдаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ишлари кенг кўламда изчил давом эттирилмоқда. Биргина мисол, Қорақалпоғистонда барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси ишга тушгач, ушбу корхонада йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газ, 400 минг тонна юқори зичликдаги полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 110 минг тонна пиролиз бензини ишлаб чиқарилади, бевосита мажмуанинг ўзида мингдан ортиқ янги иш ўрни очилади. Шунингдек, пластмасса маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўсиб бораётган талабини қондирувчи материаллар тайёрлаш, кимё тармоғи, машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳаларда тайёр маҳсулотлар чиқаришни кенгайтириш борасида янги имкониятлар пайдо бўлади.

Умуман, 2012 йилда мамлакатимизда қиймати қарийб 24 триллион сўмга тенг 270 дан ортиқ лойиҳа якунига етказилиши кўзда тутилаётгани бу борадаги ишлар кўлами ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг суръати вақтни ҳам шоshiриб қўймоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги туб ўзгаришлар натижасида юртимизнинг қиёфаси ўзгариб бораётганидан кўз қувонади, дил яйрайди. Йилдан-йилга кўлами ва миқёси кенгайиб бораётган, одамларнинг оғирини енгил қилишга, ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган бундай ишлар истиқлол берган имкониятларнинг амалий ифодасидир.

Президентимиз Ислом Каримов келажаги ҳақида ғамхўрлик қиладиган халқ ўз мақсадларига албатта эришади, дейди. Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишлар, хусусан, минглаб мактаб, лицей ва коллежлар қурилгани, реконструкция ва таъмирдан чиқарилгани, замонавий ўқув воситалари ва жиҳозлари билан таъминлангани, болалар спорти мажмуа ва иншоотлари барпо этилгани, узоқни кўзлаб қилинаётган бу ишлар изчил давом эттирилаётгани ана шу фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Таълим-тарбия жаҳон миқёсида мамлакат рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омилидир. Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳа ривожига шахсан кўрсатаётган доимий эътибори муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили бўлмоқда. Ўзбекистонда давлат бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани дунёда кўпчиликнинг ҳавасини келтирмоқда. **Жорий йилнинг февраль ойида пойтахтимизда ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари ҳам юртимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги миллий моделини якдиллик билан эътироф этдилар.**

Анжуманда иштирок этган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода «ишончим комилки, таълим соҳасига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратади. Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасалари барпо этиш билангина чекланмайди. Ушбу модель, аввалambор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади», деб алоҳида таъкидлади.

Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан ҳар томонлама беллашувга тайёр етук ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган бундай миллий дастурларимиз самарасида ёшларимиз билим чўққиларини қунт билан эгалламоқда, ҳунар ўрганмоқда, Ватаннинг эртанги тақдирини ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етмоқда. Кўплаб ўғил-қизларимиз халқаро фан олимпиадаларида, дунё миқёсидаги спорт мусобақаларида, санъат бўйича ўтказиладиган турли кўрик-танловларда ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиб, қўлга киритган улкан ғалабалари билан Ватанимиз шон-шуҳратини бутун дунёда тараннум этмоқдалар.

Мустақиллик шарофати билан эришилаётган бундай улкан ютуқ ва марралар юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларнинг қалби ва онгига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда. Энг муҳими, барчамизни эркин ва обод ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу ишларга сафарбар этадиган ҳаётбахш куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг январь ойида жаҳоннинг йирик молия муассасаларидан бири бўлмиш HSBC банкининг глобал тадқиқотлар департаменти «Жаҳон 2050 йилда» номли ҳисоботни эълон қилди. **Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг бугунги даражаси ва 2050 йилгача бўлган даврда ривожланиш имкониятларини белгиловчи омилларни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган мазкур ҳисоботда Ўзбекистон жаҳоннинг тез ривожланаётган 26 мамлакати орасида 11-ўринда қайд этилган. Ҳисоботда прогноз қилинишича, 2050 йилга бориб, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 314 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, жаҳонда 51-ўринни эгаллайди. Ҳужжатда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 2010-2020 йилларда йилига ўртача 8,2 фоизни ташкил қилиши таъкидланган.**

Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсад ва режаларимиз аниқ ва равшан, яъни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттиришдир. Ўтган йиллар давомида эришилган улуғвор натижалар эса халқимиз ўзи танлаган ҳаётий принциплардан чекинмаслигини, юртимизда ислоҳотларнинг ортга қайтариб бўлмайдиган даражада муқаррарлик касб этганини яққол намоён этмоқда.

Жаҳондаги ҳар бир мамлакатнинг ўз чиройи ва таровати, ўзига хос жозибаси бор. Бизнинг бахтимиз, толеимиз шуки, ана шу юртлар ичида бетакрор, ҳаммамиз учун ягона ва энг азиз бўлган она Ўзбекистонимиз бор. Биз, киндик қони шу табаррук тупроққа томган Ўзбекистон фарзандлари, ўзимизни шу Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Тупроғимиз шу муқаддас заминдан олинган, зуваламиз шу муқаддас диёр сувига қорилган. **Ўзбекистон ҳар биримизнинг тақдиримиз, бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир. Бу бизнинг бахтимиз. Шу боис эркин ва обод Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш ҳар биримизнинг муқаддас инсоний, фарзандлик бурчимиздир.**

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Хоразм Маъмун академиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар асосида «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Амир Темур ва темурийлар меросининг тутган ўрни» мавзуида илмий-амалий видеоконференция бўлиб ўтди.**

**• Шўрчи туманидаги «Бек ҳикмат» хусусий корхонаси банкдан ажратилган 100 миллион сўмлик маблағ эвазига технологик жиҳатдан янгиланди. Натижада бу ерда ишлаб чиқарилаётган нон ва қандолат маҳсулотлари ҳажми ошиб, сифати яхшиланди. Айни пайтда 10 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 100-110 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Вилоятда жорий йилда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қурилиш ишларини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ҳисобига 29 мингта иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган.**

**• Бекобод шаҳридаги «Сайёра орзу» МЧЖга молия муассасаси томонидан 2,5 миллиард сўмлик сармоя ажратилгач, у илғор технологиялар билан жиҳозланди. Натижада бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 11 баробарга кўпайди, яъни жорий йилнинг 5 ойи мобайнида 4 миллиард 400 миллион сўмлик иш бажарилди. Умуман, иқтисодий ночор ва камқувватли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича қабул қилинган ҳудудий дастурга мувофиқ, жорий йилда вилоятдаги 102 та корхонага 186,4 миллиард сўмлик сармоя киритиш ҳамда уларда йил охиригача 786 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш ва хизматлар кўрсатиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, бунинг самараси ўлароқ, 3 мингта иш ўрни яратилади.**

### ЖАҲОНДА

**• Гренландияда муз парчаларидан ичимлик суви ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маълумотларга қараганда, юз фоиз муз бўлагидан тайёрланаётган янги турдаги ушбу ичимлик суви экологик тоза бўлиб, инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, «муз сув»ни ишлаб чиқаришда икки минг йилдан зиёд вақт мобайнида сақланган айсберг ва муз қатламларидан фойдаланилмоқда. Хабарларга қараганда, шиша идишларда қадоқланаётган бундай сувни ичимлик суви танқис мамлакатларга экспорт қилиш режалаштирилмоқда.**

**• Германия ҳукумати мамлакат музейларига бепул кириш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 18-25 ёшли йигит-қизлар Германиядаги элликта йирик музей ва кўплаб тарихий обидаларни бепул зиёрат қилиш имкониятига эга бўлади. Экспертларнинг фикрича, ушбу лойиҳа ёш авлоднинг миллий қадриятларга, урф-одатларга ва тарихга қизиқишини оширишга қаратилган.**

**• Япониянинг Токио шаҳридаги ҳайвонот боғида сақланаётган 30 га яқин олмахон қочиб кетган. Бунга мазкур ҳудудда юз берган «Гучол» номли тўфон сабаб бўлган. Гап шундаки, кучли шамол туфайли ағдарилиб тушган дарахт олмахонлар сақланаётган қафасни бузиб юборган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида жониворлардан 18 таси ушланган. «Гучол» тўфони 19 июнда Кунчиқар юрт томон ҳаракатлана бошлаганди. Шу боис айни пайтгача ўнлаб маҳаллий рейслар бекор қилинган. Шунингдек, одамларга иложи борича кўчаларга камроқ чиқиш тавсия этилган.**

**• «Air Franse-KLM» (Франция/Голландия) авиакомпанияси 2013 йилнинг охирига қадар 5 минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилмоқчи. Манбада изоҳланишича, компания мутасаддилари шу йўл орқали икки миллиард евро миқдоридаги ортиқча сарф-харажатларга барҳам бериш ниятидалар. «Air Franse-KLM» ўтган йилни 800 миллион евро зарар билан якунлаганди. Унинг жорий йилдаги фаолияти ҳам кўнгилдагидек кетмаяпти.**

**Депутат: бурч ва масъулият**

*Тошкентнинг салоҳияти тобора ортиб, унинг чеҳраси, қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, азим пойтахтимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ минтақасидаги обод ва гўзал шаҳарга айланиб, ўзгаларнинг ҳавасини, халқимизнинг ғурур-ифтихори ва севгисини уйғотиб, жадал ривожланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.*

*Ислом КАРИМОВ*







# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

***Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.***

***Унда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги ҳамда шаҳарсозликка оид қонунларнинг Тошкент шаҳридаги ижроси кўриб чиқилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, туман ҳокимлари, бош бошқарма, бошқарма, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.***

**КУН ТАРТИБИДАГИ БИРИНЧИ МАСАЛА — "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонуннинг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси маълумоти муҳокама этилди.**

Унда Тошкент шаҳрида Қонун ижросини, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш, озодаликни сақлаш борасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан муайян ишлар олиб борилаётганлиги қайд этилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, унинг доимий комиссиялари, хусусан, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан шаҳарда санитария ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар доимий назоратга олинганлиги эътироф этилди.

Қонун ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳри ва шаҳар туманлари давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Юқумли касалликларга чалинган беморларни ўз вақтида аниқлаш учун лаборатория-ташхис усуллари қўлланиб келинмоқда.

Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорларининг санитария ҳолати талаб даражасида бўлишини таъминлаш мақсадида бозорларга туманлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари мутахассислари бириктириб қўйилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши тасдиқлаган режа-жадвалга асосан Тошкент шаҳридаги давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан 2010-2011 йиллар ва 2012 йилнинг тўрт ойи давомида 960 та текширувлар амалга оширилган.

Шунингдек, шаҳарда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, аҳолининг, жумладан ёшларнинг санитария маданиятини ошириш борасида айрим нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ҳам ташаббуслар ўртага ташланаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда Қонун ижросини, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш, озодаликни сақлаш борасида муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилгани, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар юзага келгани ҳам таъкидланди.

Мажлисда мутасадди ташкилот раҳбарлари, депутатлар сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.



**Д.АЛИМУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи:**

— Айтиш керакки, давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг самарали фаолияти натижасида, ҳисобот даври давомида шаҳар ҳудуди ва унда жойлашган қатор объектларнинг санитария ҳолатини яхшиланишига эришилди.

Даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимларининг билим даражаларини ошириш мақсадида Давлат санитария хизмати томонидан илмий-текшириш институти олимлари, етакчи инфекционистларни жалб қилган ҳолда, карантин, ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликлар бўйича семинар машғулотлари ўтказиб борилди. Бу семинарларга ҳар йили 2000 дан ортиқ тиббиёт ходимлари жалб этилмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ДСЭНМ қошида даволаш-профилактика муассасаларининг марказий стерилизация бўлими ходимларининг билим даражаларини ошириш мақсадида ўқитиш ишлари давом эттирилиб, жорий йилнинг биринчи чорагида 281 нафар тиббиёт ходимлари ўқитилиб, уларга сертификатлар берилган.

Экология — тозалик муҳофазаси талабларидан келиб чиқиб, шаҳар ҳудудидан оқиб ўтадиган 100 дан ортиқ очиқ сув ҳавзалари тозаланиши таъминланди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда йилнинг апрель-май ҳамда сентябрь ойларида шаҳар ҳудудидаги кириш постларида "Тоза ҳаво" ойлиги мунтазам ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун моҳияти, юртимизда олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари бўйича маҳалла ва ХУЖМШ раислари ҳамда фуқаролар билан учрашувларни ташкил этишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Аммо ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам бор. Уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдамиз.



**Ҳ.МАҲКАМОВ,**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича доимий комиссияси раиси:**

— Шаҳарнинг санитар ҳолати мунтазам шаҳар Кенгашининг доимий комиссиясида ўрганилиб борилади. Кун тартибидаги бу масала барчамиз бажаришимиз шарт бўлган масаладир. Ушбу қонун моҳияти ва мазмуни тўғрисида шаҳар депутатлари иштирокида маҳалла оқсоқолининг, жойлардаги ширкатнинг ҳамда ҳудудда жойлашган ташкилотнинг вазифаси тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб боришимиз керак. Бу бир кунлик ёки битта муҳокамада ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Бу доимий вазифамиз бўлиши керак деб биламиз. Қонунни бажаришни ўзимизга кундалик вазифа қилиб олишимиз лозим.

Бевосита халқ депутатлари шаҳар кенгашининг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарорга кўра ҳар шанба "Тозалик ва озодалик куни" деб эълон қилинган.

Бу борада барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз кутилган натижани беради.



**К.МУҲАМЕДОВ,**
**Республика давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти бошлиғи ўринбосари:**

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 220 дан зиёд санитария қоида ва меъёрлари ишлаб чиқилган. Улар доимий равишда қайтадан кўриб чиқилади. Ҳозирда амалда 95 та санитария нормалари ҳаракатда. Улар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтига жойлаштирилган. Кенг жамоатчилик ундан бемалол фойдаланиши мумкин.

Тошкент шаҳрида яхши иш бошланган. Яқинда жамоат тартиби, ободонлаштириш ва тозаликни сақлаш қоидалари ҳам ишлаб чиқилди. Унда "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонун, "Ветеринария тўғрисида"ги Қонун, "Шаҳарсозлик тўғрисидаги Қонун ва бошқа Қонунлардан келиб чиқадиган талаблар ўз аксини топган. Юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар билан аҳоли, корхона ва ташкилотлар яқиндан таниш бўлса, аминманки Қонунлар ижросига бўлган муносабат тубдан ўзгаради.



**И.МИРЗААЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси:**

— Ишчи гуруҳ таркибида Учтепа, Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларини кўриб чиқдик. Айланиш жараёнида бу масалани ичига кириб ўрганишга ҳаракат қилдик. Ҳақиқатан ҳам бу масаланинг моҳияти юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Биз кўчадан ўтиб кетаётганда "гул очилибди, дарахтларга шакл берилибди" деб ўтиб кетаверамиз, лекин унинг замирида қандай меҳнат турганини шу жараёнда ўз кўзимиз билан кўрдик.

Шуни ҳам айтишимиз керакки, кўп қаватли турар жой уй бошиларига ҳам кўп нарса боғлиқ. Баъзилар ўз ишларига сидқидилдан ёндошади, масъулият билан вазифаларни бажаради. Баъзи жойларда шу уй бошини, керакли мутасаддиларни топиш қийин. Агар бу ишни йўлга қўйиб олсак, ишлар ўз ўзидан изга тушиб кетади.



**М.РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, 44-оилавий поликлиника бош шифокори:**

— Албатта, барчамиз шаҳримизнинг чиройли бўлиши, янада ободонлаштирилишини, уни кўкаламзорлаштириш борасида бир мунча ишларни амалга оширмоқдамиз. Бугунги кунда бу ишларни янада кучайтиришимиз керак. Мазкур «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши давр талаби эканлиги қайд этиб ўтилди. Мен бу борада аҳолининг масъулиятини ошириш борасида унинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор беришни таклиф қилардим. Айниқса кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли орасида санитария-гигиена қоидаларига жиддий риоя этилишини таъминлашимиз керак.

* * *

Кун тартибидаги биринчи масала, яъни «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари якуни бўйича қўшма қарори қабул қилинди.

**КУН ТАРТИБИДАГИ ИККИНЧИ МАСАЛА — Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш якунларига бағишланди.**

**Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси маълумоти тингланди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Сенатнинг маҳаллий ҳокимлик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши билан биргаликда тузилган ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳрида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини ўрганиб чиқилгани таъкидлаб ўтилди.

Мустақиллик шарофати билан Тошкент шаҳрида кейинги йилларда шаҳарни реконструкция қилиш ва ободонлаштириш, архитектура ва тарихий-маданий ёдгорликларни қайта тиклаш, транспорт магистралларини қуриш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш бўйича ишлар шаҳар қурилишининг замонавий талаблари даражасида олиб борилишига катта эътибор қаратиб келинаяпти.

Жумладан, бугунги кунда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг тегишли дастурига 136 та корхона киритилган. Капитал қурилиш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий-маданий аҳамиятга молик турли объектларни таъмирлаш соҳасида салмоқли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳар ҳудудида ўтган давр мобайнида бир нечта кўприк ва кўплаб янги автомагистраллар фойдаланишга топширилган, боғ ва кўчалар реконструкция қилиниб кенгайтирилган, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Ёшлар ижод саройи, Маърифат маркази — Симпозиумлар саройи каби муҳташам иншоотлар бунёд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 5 ва 6-моддаларига асосан Намунавий маҳалла дастури бўйича ҳудудда жойлашган кўп қаватли турар жой бинолари тартибга келтирилиб, шаҳарсозлик ҳолатига зид бўлган қурилмаларни бартараф этиш юзасидан тегишли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги «Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан шаҳар аҳоли пунктларини қуриш, реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича мақсадли ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар таъкидлаб ўтилди.



**А.ТОЖИЕВ,**
**Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи:**

— Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бири бўлган Навоий кўчасининг архитектура қиёфасини замон талабларига мос бўлишини таъминлаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари жадал амалга оширилмоқда.

Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчасининг «Анҳор» кўпригидан «Чорсу» майдонигача бўлган қисмидаги барча бино ва иншоотлар ҳамда маданий мерос объектларининг фасад қисмини таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш ишларини олиб бориш бўйича лойиҳа таклифлари Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳар ривожланишининг асосий тамойилларидан бири бўлган транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар олиб борилиб, шаҳримизнинг йирик кўчалари лойиҳа даражасида қайта таъмирланди ва фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг транспорт воситаларини сақлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, мавзе ва даҳалар ҳудудларидаги барча қулайликларга эга бўлган замонавий кўп қаватли автотураргоҳлар ва очиқ автотураргоҳлар ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Бунга мисол тариқасида, Беруний ва Лайлитўгон кўчалари чорраҳасида фойдаланишга топширилган 660 ўринли кўп қаватли автотураргоҳни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги "2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги 322-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор маданият ва истироҳат боғларида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шаҳар аҳолисини ва ёш авлодни спортга жалб этиш мақсадида, 203 та мини-футбол майдончаларини яратиш белгиланган эди. Шу кун ҳолатига кўра 17 та объект фойдаланишга топширилди, 24 та объектда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Қолган объектлар бўйича лойиҳалар тайёрланди.



Шаҳарсозликка оид Қонун ва қарорлар ижроси ва унинг талабларига қатъий риоя қилиниши юзасидан уюшма томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида **Тошкент шаҳар хусусий уй-жойлар мулкдорлари ширкати уюшмаси раиси А.НАБИЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Шаҳарсозлик талабларига қатъий риоя қилиниши юзасидан уюшмамиз томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида мунтазам тарғибот ҳамда услубий ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир ширкатга масъуллар белгиланган. Маҳалла раислари, ширкат ходимлари билан биргаликда кўзда тутилган ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан узвий боғланган ҳолда ишларни талаб даражасида ташкил этиш борасида камчиликларимиз ҳам бор. Айни пайтда туман ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар ҳамда депутатлар билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдамиз.

* * *

Кун тартибидаги иккинчи масала — Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш юзасидан қўшма қарор қабул қилинди.

* * *

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қўшма мажлиси ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенатнинг кўмаклашувчи комиссияси раиси М.Ражабова сўзга чиқиб, Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуслари билан мустақиллик йилларида пойтахтда қад ростлаган улуғвор бунёдкорлик иншоотлари шаҳар кўркига кўрк қўшиб келаётганини эътироф этиб, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги ҳамда шаҳарсозликка оид қонунлар ижроси таъминланиши юзасидан шаҳарда ибратли ишлар олиб борилаётгани, бу борада қатор ижобий ишлар амалга оширилгани ҳамда ушбу қонунлар ижроси ўрганилиши жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш масалалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қўшма мажлис томонидан кўрилган масалалар юзасидан сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов шаҳардаги санитария ва шаҳарсозликка оид мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланганлигини, бу ишда тегишли корхона ва ташкилотлар билан бир қаторда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, мажлисда сенатор, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияга ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи раиси Ф. Абдураҳимова, Тошкент шаҳар прокурори М. Обидов, Чилонзор тумани ҳокими Ғ. Исмоилхўжаев ва бошқалар кўриб чиқилган масалалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ФАН, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИДА ҚУЙИДАГИЛАР ТАЪКИДЛАНДИ:

Тошкент шаҳрида «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини ўрганиш натижаларига кўра, Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва бошқа давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар томонидан Қонун ижросини таъминлаш, шунингдек ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Қонун ижросини ўрганиш натижаларини муҳокама қилиш жараёнида билдирилган шаҳарда экологик ҳолат ва тозаликни назорат қилувчи алоҳида хизмат ташкил этиш ҳақидаги таклифни манфаатдор идораларни жалб қилган ҳолда кўриб чиқиш тавсия этилди.

Шунингдек, Қонун ижросини ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш мақсадида барча туманлар ҳокимликларида мутасадди давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирокида мазкур масаланинг муҳокама қилинишини таъминлаш белгиланди.

Давлат органлари ва нодавлат ташкилотларнинг шаҳарда санитария-эпидемиология ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг самарадорлигини янада оширишга оид фаолиятини мувофиқлаштиришга эътиборни кучайтириш тавсия этилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар томонидан майдонлар, иншоотлар, биноларни сақлаб туриш, ускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишга, озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлаш ва сотишга қўйиладиган санитария талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш белгиланди.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат санитария-эпидемиология назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига ва санитария нормаларига риоя этилишига эришиш юзасидан қўшимча чоралар кўрилди.

Аҳолининг санитария маданиятини юксалтириш, фуқароларга санитария-гигиена нормалари, мазкур соҳага оид қонун ҳужжатлари моҳиятини тушунтириш бўйича давлат органлари, жумладан Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва нодавлат ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилди.

Шаҳарда санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришни амалга ошириш борасидаги ишларни аниқ мақсадларга йўналтирилган лойиҳалар асосида йўлга қўйиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, унинг амалга оширилишини таъминлаш белгиланди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда шаҳарда санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришни амалга ошириш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳашарлар, тозалик кунларини узлуксиз уюштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АГРАР, СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯ ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИДА ҚУЙИДАГИЛАР ТАЪКИДЛАНДИ:

Тошкент шаҳрида Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини ўрганиш натижаларига кўра, Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва бошқа давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар томонидан шаҳар ландшафтига мос равишда сув хўжалиги объектлари атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда шаҳарсозлик қоидаларига амал қилинишини таъминлаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш мақсадида барча туманлар ҳокимликлари томонидан мазкур масаланинг муҳокама қилинишини таъминлаш белгиланди.

Мутасадди тузилмаларнинг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан таъсирчан ҳамда самарали назоратни амалга ошириш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Объектларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилишига эътибор кучайтирилади.

Кўп қаватли уйлардаги квартиралар эгалари томонидан хонадонларнинг конструкцияларини ўзбошимчалик билан ўзгартириш ҳолатларига чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида қатъий чоралар кўриш белгиланди.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик талабларига, табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига, шунингдек, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш белгиланди.

Кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, подъездлар, лифтлар, ёритиш чироқларини таъмирлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш кўрсатиб ўтилди.

Тошкент шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларини жалб қилган ҳолда якка тартибдаги гаражларни тартибга солиш ҳисобига жамоа гаражларини ташкил этиш, уларнинг атрофларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига эътибор кучайтириш белгиланди.

Ҳудудлардаги (мавзелар, даҳалар ва маҳаллалар) турар жой, жамоат ва маиший бинолар ҳамда кўчалар, дам олиш майдонларини таъмирлаш, уларни ободонлаштириш ва тозалаш ишлари устидан самарали жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш қайд этиб ўтилди.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларининг амалга оширилишини таъминлаш, ноқонуний иншоот ва қурилмаларни қуриш ҳолатларини бартараф этиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасидаги ишлар аҳволини туманлар бўйича ўрганиб, натижаларни сессия ва мажлисларда узлуксиз муҳокама қилиб бориш кўрсатиб ўтилди.

***«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган «Келажак овози» республика танловининг саралаш босқичи якунланди.***

«Келажак овози – 2012»

## ИСТЕЪДОДЛАРГА ИЛҲОМ БАҒИШЛАБ

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Тошкент давлат техника университетининг илмий ишлар бўйича проректори К.Норқулова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод истеъдодини ривожлантириш, ўқувчиларга пухта билим бериш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган «Келажак овози» танлови ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Мазкур мега-лойиҳа 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинациялар бўйича қобилиятини намойиш этишига хизмат қилмоқда.

Танловда қатнашишни истовчилар сафи йил сайин кенгаймоқда. 2005 йилда ўтган илк танловда 3 минг нафар йигит-қиздан ариза тушган бўлса, жорий йилда қарийб саксон минг нафарни ташкил этгани бунга яққол мисолдир.

Бу йилги мега-лойиҳанинг ўзига хослиги – унинг туман босқичлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги таълим масканларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида юксак савияда ўтказилди. Айни пайтда танловнинг туман, шаҳар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси босқичи давомида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари марказининг истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга доир кўплаб лойиҳаларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Иккинчи босқич ғолибларига айланган 600 нафардан ортиқ ўғил-қиз танловнинг жорий йил декабрида бўлиб ўтадиган финал босқичида ўз маҳоратини намойиш этади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Куни кеча мактаб остонасидан учирма бўлган умумтаълим мактаблари битирувчилари катта ҳаётга қадам қўйишмоқда. Улар аввало келажакда қайси касбни танлаш, қандай коллеж ёки академик лицейга ўқишга кириш масалаларини ҳал этишлари керак. Албатта, бир тўхтамга келишлари қийин. Барча мактабларда кенг кўламда олиб борилаётган касбга йўналтириш ишлари ана шу мақсадга қаратилган.***

## ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МУҲИМ МАСАЛА

Ёш авлод таълим-тарбияси, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари таълим тизимидаги устувор масалалардан бири.

Шаҳримиздаги Тошкент Қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежида 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш мақсадида Учтепа туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ, ИИБ ходимлари, Кўкча Оқтепа маҳалла фуқаролари фаоллари ва шу билан биргаликда туманда жойлашган мактаб раҳбарлари иштирокида тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришга қаратилган давлат сиёсати, жумладан уларнинг қизиқишлари, қобилияти ва имкониятига мос бўлган мутахассисликни эгаллашларига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш орқали уларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоялаш қанчалик муҳимлиги муҳокама этилди.

— Шу йил бошидан бошлаб коллежда консультатив марказ ўз фаолиятини йўлга қўйди, — дейди Тошкент Қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Эркин Толипов. — Фаолиятимизнинг энг асосий мақсади битирувчиларни касбга тўғри йўналтиришдан иборат. Бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди. Шаҳримизда жойлашган мактаблар билан ҳамкорликда «Очиқ эшиклар» кунлари ўтказилди. Шу билан биргаликда коллежимизда ўқитиладиган мутахассисликлар бўйича мактабларда ҳам суҳбатлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Агарда битирувчиларимизни касбга тўғри йўналтирмасак, қизиқишларини ҳисобга олмайдиган бўлсак, кўплаб нохуш ҳолатларга дуч келишимиз мумкин. Бундай ҳолатларни тажрибамиз давомида учратганмиз. Битирувчилар билан суҳбатлар давомида коллежимиз ҳаёти, бу ерда яратилган шароитлар, касб-ҳунар бўйича таълим берадиган ўқитувчилар ҳақида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бордик. Хурсанд қиладиган жиҳатлардан бири бу коллежимизда ўқитиладиган йўналишларга қизиқувчилар сони йилдан йилга ортиб бораётганлиги. Ҳокимият, туман хотин-қизлар, маҳалла, ота-оналар, иш берувчи корхоналар билан ҳамкорлигимиз янаям кучаяди деган умиддаман. Ўйлайманки, ҳар бир болага жиддий эътибор қаратиб, уларнинг келажаги учун масъул эканлигимизни ҳис қилган ҳолда иш олиб борсак келажакда янада яхши натижаларга эришишимизга ишонаман.

Коллежда тўққизта йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Булар — қурилиш-пардозлаш ишлари, бино ва иншоотлар архитектураси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, дурадгорлик ва пол ётқизиш устаси, бухгалтерия, кадастр иши, молия, коммунал соҳаси ва ўтган йилдан бошлаб қозон қурилмалари, иссиқлик энергетикасидан фойдаланиш бўйича мутахассислик жорий этилган.

— Мен автомобиль соҳасига қизиққаним учун ушбу коллеждаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишига ҳужжат топширдим. Бу йўналиш бўйича ўқиб, пухта билимга эга бўлмоқчиман, — дейди Учтепа туманидаги 81-мактабнинг 9-синф битирувчиси Даврон Умаржонов. — Айнан шу йўналиш бўйича коллежда ўтказилган «Очиқ эшиклар» кунларида қатнашдим. Бугун эса ўзим қизиққан соҳа бўйича таълим олишни ният қилдим. Келажакда баркамол шахс бўлиб етишиш, ушбу соҳани чуқур ўрганиш, етук кадрлардан бирига айланиш олий мақсадим.

Мактаб битирувчилари, ота-оналар мазкур ўқув юртида ўқитиладиган касблар, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқдалар. Битирувчилар учун коллежнинг иккинчи, учинчи босқич ўқувчилари томонидан тайёрланган лойиҳалар, яъни диплом ишларидан иборат кўргазмалар ташкил этилди. Ота-оналар ҳамда битирувчиларни қизиқтирган саволларига тадбир ташкилотчилари атрофлича жавоблар беришди.



Мамлакатимиздаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари таълим бериш бўйича катта имкониятларга эга. Уларда кўплаб касбларни юқори даражада эгаллаш мумкин. Битирувчилар ўзи танлаган йўналишга қизиқиб, таълим олиши келажакда албатта мевасини беради.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

Болалар спорти

## КУРАШДА КАМОЛ ТОПАЁТГАН БОЛАЛАР

***Ўзбек кураши навқирон авлод тарбиясининг муҳим воситаларидандир. Зеро, кураш фалсафасида инсон ва табиат уйғунлиги, умид ва ишонч, ор-номус ва ғурур, ҳалоллик ва адолат, матонат ва садоқат каби халқимизга хос юксак фазилатлар мужассам.***

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан кураш халқаро спорт тури мақомини олди. Мамлакатимизда кўплаб ўғил-қизлар ушбу спорт турини доимий ҳамроҳига айлантирган. Спортчиларимиз салоҳияти, тажриба ва маҳорати йилдан йилга юксалиб, улар халқаро миқёсда ҳам юксак муваффақиятларга эришаётир. Юртимизнинг барча ҳудудларида кураш мактаблари, секциялар, тўгарак ва клублар ташкил этилиб, самарали фаолият юритаётгани мазкур спортга ёшларни кенг жалб этиш имконини бермоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Сағбон» кураш маркази ҳам курашга меҳр қўйган ёш полвонларнинг севимли масканидир. 2004 йилда Тошкент шаҳар кураш федерацияси тизимида фаолиятини бошлаган мазкур спорт мажмуасида бугун 250 нафардан зиёд бола малакали мураббийлардан кураш сир-асрорларини пухта ўрганмоқда.

– Ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб вояга етишида спортнинг, хусусан, курашнинг аҳамияти беқиёс, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳар кураш федерацияси ижрочи директори Комил Шоймимов. – Биз учун бобомерос кураш ёшларга ўз олдига қўйган мақсадлари ва эзгу-интилишларига ҳалол йўл билан эришишни ўргатади. Ўғил-қизларнинг жисмонан бақувват бўлиб вояга етишини таъминлаш билан бирга, уларда юксак маънавият, ҳалоллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик, камтарлик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат каби инсоний фазилатларни шакллантиради.

«Сағбон» спорт марказининг кураш тўгарагига болалар етти ёшдан қабул қилинади. Машқ юкламалари болаларнинг ёшига, жисмоний ҳолатига ва спортчи сифатида тажрибасига қараб белгиланади. Машғулотлар жараёнида спортчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлиги билан бирга, уларнинг тартиб-интизоми ва озодалиги ҳам доимий назоратда.

Машғулотларни юқори савияда ўтказиш учун спорт маскани кураш гиламлари, зарур тренажёрлар ва спорт инвентарлари билан таъминланган. Бу ерда маъмурий хоналардан ташқари кийим алмаштириш, ювиниш ва тиббиёт хоналари ҳам мавжуд.

– Бугун ўзбек кураши нафақат аждодлардан мерос миллий қадрият сифатида, балки энг ҳалол ва энг хавфсиз яккакураш тури сифатида ҳам жаҳонда жадал оммалашмоқда, – дейди кураш бўйича мураббий Элмурод Соатов. – Дунё миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда бошқа қитъалардаги давлатлар полвонлари ҳам курашни пухта ўзлаштираётгани намоён бўлмоқда. Бироқ курашнинг асл ватани – Ўзбекистон номидан даврага чиқаётган полвонлар маҳорати, курашиш усулига бўлган қизиқиш ва эътибор доимо юқори. Шунинг учун ҳам мен мураббий сифатида шогирдларимни ҳар томонлама пухта тайёрлашга, янги усулларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратаман.

«Сағбон» кураш марказида шуғулланаётган ёшлар орасида ҳам юқори салоҳиятини намоён этаётган иқтидор эгалари талайгина. Мазкур мажмуада тарбияланган Муқаддас Кубеева ва Шуҳрат Арслонов катта спортда юксак муваффақиятга эришиб, жаҳон чемпионатида шоҳсупага кўтарилган.

– «Сағбон» кураш марказида тарбияланаётган Абдуллоҳ Сирожиддинов ва Элдор Миробидов бу йил умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг Тошкент шаҳар босқичида ғолиб чиқди, – дейди кураш мураббийи Абдусодиқ Эшбадалов. – Яна бир шогирдимиз Ҳасан Назаров эса икки йилдан буён ёшлар ўртасида мамлакатимиз чемпиони унвонини муваффақиятли ҳимоя этиб келмоқда. Айни пайтда Ҳасан жорий йилнинг 23-28 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига пухта тайёрланяпти.

«Сағбон» кураш маркази спортчиларидан Жобир Чориев, Эрназар Ҳуррамов, Нусратулла Усмонов, Ботир Йўлдошхўжаев, Ойбек Маҳмудов, Шуҳрат Эргашев, Азамат Абдурашидов каби истеъдодли полвонлар кураш, дзюдо ва самбо бўйича мамлакат миқёсида ўтказилаётган биринчилик ва чемпионатларда, нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

– Етти ёшимдан кураш ва дзюдо билан мунтазам шуғулланаман, – дейди Олмазор туманидаги 242-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Эрназар Ҳуррамов. – Кураш ва дзюдо бўйича республика ва шаҳар миқёсидаги мусобақаларда 32 медални қўлга киритдим. Келажакда Абдулла Тангриев, Ришод Собиров, Рамзиддин Саидов каби етук спортчи бўлиб, жаҳон ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтаришни орзу қиламан.

– Ўғлим Азамат кичкиналигида бир оз тўлароқ бўлгани учун унинг саломатлигидан хавотирда эдим, – дейди Шафоат Файзираҳмонова. – Уни курашга беришга қарор қилдик. Тез фурсатда ўғлимнинг саломатлиги мустаҳкамланди, ортиқча вазн йўқолди, ҳозир қадди-қоматига ҳавас қилса арзийди. Унинг характери, юриш-туриши, тартиб-интизоми ва ўқиши ҳам ижобий томонга ўзгармоқда. Энг асосийси, ўғлим жисмонан соғлом ва маънан етук инсон бўлиб вояга етаётганидан бахтиёрман.

Ҳа, спорт – навқирон авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги асоси, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларнинг ўз қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришида муҳим восита. Бола спорт машғулотлари билан банд бўлса, оиласига, атрофга ўзгача теран нигоҳ билан қарайди. Унда ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, ифтихор, меҳр-оқибат, аҳиллик ва масъулият туйғуси кучаяди. Спорт орқали ёшларимиз ўзлигини чуқур англайди, уларнинг дунёқараши ўзгаради. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан кўзланган мақсад ҳам аслида шу.

***Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Алексей Барсов шахмат бўйича ўтказилган II Марказий Осиё кубоги мусобақасида бош совринни қўлга киритди.***

Шахмат

## ГРОССМЕЙСТЕРИМИЗ — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ шафелигида ўтказиладиган шахмат бўйича Марказий Осиё кубоги мусобақаси 2011 йили Ўзбекистонда бошланган. Марказий Осиё минтақасида шахматни янада ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мазкур нуфузли турнир илк маротаба ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилди ва унда ўзбекистонлик жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов бош соврин соҳиби бўлди.

Халқаро турнирга бу гал Қирғизистон мезбонлик қилди. Иссиққўлда ўтган мусобақада мезбонлар билан бир қаторда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистондан жами қирқ нафарга яқин шахматчи ғолиблик учун куч синашди.

Нуфузли мусобақада бош соврин учун кураш сўнгги партиягача давом этди. Турнирни мағлубиятсиз якунлаган халқаро гроссмейстеримиз Алексей Барсов тўққиз имкониятдан 7 очко жамғариб, мусобақа ғолиби бўлди. Ҳамюртимиз турнир давомида бешта ғалаба ва тўртта дурангга эришди. Яна бир умидли шахматчимиз – халқаро тоифадаги спорт устаси Жўрабек Ҳамроқулов 6,5 очко билан учинчи ўриндан жой олди.

Хотин-қизлар ўртасида барча совринли ўринлар Ўзбекистон вакилаларига насиб этди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Нодира Нодиржонова олтин медални қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин Ирина Геворкянга, учинчи ўрин Сарвиноз Қурбонбоевага насиб этди. Сарвиноз 20 ёшгача бўлган шахматчилар орасида ҳам энг кўп очко жамғаргани учун махсус олтин медаль билан тақдирланди. Фахрийлар баҳсида ҳамюртимиз Владимир Егин ғолиб чиқди.

Халқаро турнирда энг яхши натижага эришган Ўзбекистон вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ёшликнинг ўзи бахт.**

* * *

**Эртадан умиди йўқнинг эртага эҳтиёжи ҳам йўқ.**

* * *

**Ўзини ҳамиша ҳақ ҳисоблагандан қўрқ.**

* * *

**Кўникиш – оғир иш.**

* * *

**Аҳмоққа сабр бегона.**

* * *

**Бир умр қидирган нарсанг кўпинча оёғингнинг остидан чиқиб қолади.**

* * *

**Ҳамма ўз ишини билиб қилса, бошқаларга ортиқча ташвиш қолмайди.**

* * *

**Ортингда из қолмаса, яшадинг нимаю яшамадинг нима!**

* * *

**Дунё – омонат, инсон – ғанимат.**

* * *

**Аҳди ёлғоннинг бахти ёлғон.**

* * *

**Ёлғончи тилидан тутилади.**

* * *

**Гуноҳ ботқоққа ўхшайди – оёқ қўйдингми, қаърига тортаверади.**

* * *

**Ҳазилни қанчалик тушунишига қараб ҳам кишининг доно ёки нодонлигини билса бўлади.**

* * *

**Яхшига назар,**
**Ёмонга ҳазар.**

* * *

**Бировни кўкка кўтариш бировни ерга уриш ҳисобига бўлмаслиги керак.**

* * *

**Вақтнинг қадрини билганимизда вақт ўтиб кетган бўлади.**

* * *

**Шодлигингни бегона бўлишгиси келади. Ғамингдан яқининг ҳам ўзини олиб қочади.**

* * *

**Одатда, биз кўзимизни очмоқчи бўлганларни душманга, кўзимизни ёпмоқчи бўлганларни дўстга чиқарамиз.**

* * *

**Ҳамма ҳам ўзидан келиб чиқиб бошқаларга баҳо беради.**

* * *

**Қатъиятли кишини ҳеч ким йўлидан қайтаролмайди.**

* * *

**Доно ўзгаради, нодон аслича қолади.**

* * *

**Имкон ҳам излаганга ёр бўлади.**

* * *

**Бу дунёда ким сўзини излайди, ким ўзини.**

* * *

**Ибратли умр – ҳикматли умр.**

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

